

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ, И.М.ГУБКИН номидаги РОССИЯ
ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017
GM/T.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**И.КАРИМОВ номидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

НАЗАРОВ АЗИЗБЕК УЛУГБЕКОВИЧ

**ТУГАБ БОРАЁТГАН ГАЗКОНДЕНСАТ – НЕФТЬ КОНЛАРИДА
ЯРАТИЛАДИГАН ЕР ОСТИ ГАЗ САҚЛАШ ОМБОРИ ЦИКЛИК
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ТИЗИМЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
(ГАЗЛИ ВА ХЎЖОБОД ЕР ОСТИ ГАЗ САҚЛАШ ОМБОРИ
МИСОЛИДА)**

04.00.13 – Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of dissertation abstract doctor sciences (DSc)

Назаров Азизбек Улугбекович

Туғаб бораётган газконденсат – нефть конларида яратиладиган ер ости газ сақлаш омбори циклик эксплуатацияси тизимларини лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва оптималлаштириш (Газли ва Хўжобод ер ости газ сақлаш омбори мисолида)..... 3

Назаров Азизбек Улугбекович

Совершенствование проектирования и оптимизация систем циклической эксплуатации ПХГ, создаваемых в истощенных газоконденсатно-нефтяных месторождениях (на примере ПХГ Газли и Ходжабад)..... 27

Nazarov Azizbek Ulugbekovich

Improvement of design & optimization of UGS cyclic operation systems to be established in the depleted gas condensate-oil fields (by example of Gazli & Khodjabad UGS) 51

Эльон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ, И.М.ГУБКИН номидаги РОССИЯ
ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017
GM/T.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**И.КАРИМОВ номидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

НАЗАРОВ АЗИЗБЕК УЛУГБЕКОВИЧ

**ТУГАБ БОРАЁТГАН ГАЗКОНДЕНСАТ – НЕФТЬ КОНЛАРИДА
ЯРАТИЛАДИГАН ЕР ОСТИ ГАЗ САҚЛАШ ОМБОРИ ЦИКЛИК
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ТИЗИМЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
(ГАЗЛИ ВА ХЎЖОБОД ЕР ОСТИ ГАЗ САҚЛАШ ОМБОРИ
МИСОЛИДА)**

04.00.13 – Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси В2018.1.DSc/T206 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ing.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Михайловский Александр Артёмович
техника фанлар доктори

Алимов Исмоил Алимович
техника фанлар доктори, профессор

Закиров Аъзамжон Алимжанович
техника фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

«Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АЖ

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Ўзбекистон нефть-газ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти, Тошкент давлат техника университети, И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали ҳузуридаги DSc 27.06.2017.GM/T.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил « 28 » ноябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114 уй. Тел.: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15. e-mail: igirnigm@ing.uz.

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3855 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114 уй. Тел.: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15. e-mail: igirnigm@ing.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил « 15 » ноябр куни тарқатилди.
(2018 йил « 22 » октябрдаги 1рақамли реестр баённомаси).

Ю.И.Иргашев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш Раиси, г.-м.ф.д., профессор

М.Г. Юлдашева

Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича
Илмий кенгаш Илмий котиби г.-м.ф.н.

А.К. Рахимов

Илмий даражалар бериш бўйича
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар Раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда истеъмолчиларни газ билан таъминлаш тизимларининг ривожланиши табиий газни қазиб чиқариш, сақлаш ва транспортировка қилишда ресурслар ва энергияни тежаш чораларини амалга ошириш заруратини кўрсатмоқда. Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда табиий газ энг самарали энергия ташувчи ва газ-кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хомашё бўлиб қолади, шунингдек қиш даврида жиддий даражада юқори бўлган табиий газ истеъмоли бўйича тоборо кучаяётган тенденциялар ушбу хомашёни жаҳон ҳамжамияти мамлакатларидаги иқтисодийнинг саноат ва ижтимоий-иқтисодий секторларига мавсумий нотекис етказиб берилишларини пасайтирувчи регуляторлар сифатида ер ости газ сақлаш тизимларини янада ривожлантириш кераклигини белгилаб қўйди.

Ҳозирги кунда дунёда, аномал паст қатлам босимларида ер ости газ сақлаш омборларини лойиҳалаштириш, газ ҳайдаладиган ва олинадиган қудуқлардан фойдаланиш тизимларини оптималлаштириш, қазилган газ-конденсат ва нефт конлари базасида яратилган объектлардаги қатлам резервуарларининг энергиясидан самарали фойдаланишнинг замонавий тизимларини ишлаб чиқиш бўйича бир мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун, қуйидаги йўналишлар ишлаб чиқилмоқда: ер ости газ сақлаш омборларидан фойдаланишни ахборот-таҳлилий тизимлар асосида тезкор таҳлил қилиш вазифаларида тизимли ёндашув тамойилларини қўллаш; ҳайдаладиган табиий газнинг газга бой ҳажмлардан ташқарига оқиб кетиши каби салбий гидродинамик жараёнларнинг олдини олиш ва уларни истисно қилиш; қудуқлар маҳсулотининг сув босишини пасайтириш; ҳайдаладиган газнинг қатламлар орасига оқиб кетишини истисно қилган ҳолда узоқ вақт давомида фойдаланиладиган қудуқларнинг технологик мустаҳкамлигини сезиларли даражада ошириш; қиш даврида табиий газ олинадиган газ омборларининг қувватини ошириш; газни ер остида сақлаш вазифаларини нефтли ҳошияларни охиригача қозиш вазифалари билан биргаликда ҳал этиш ишлари катта талабга эга бўлиб қолмоқда.

Республикада ёнилғи-энергетика мажмуини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қабул қилинган дастурий чора-тадбирлар асосида, янги углеводород хомашёси конларини жадал ўзлаштириш, янги нефт-газ мажмуаларини барпо этиш ва уларни фойдаланишга топшириш ҳисобидан нефт-газ тармоғининг барқарор фаолияти таъминланмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга йўналтирилган сиёсатни олиб бориш, тармоқни сифат жиҳатдан янги даражага ўтказиш йўли билан унинг технологик диверсификациясини ошириш»¹ вазифалари белгиланган. Шундан

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. -№6.

келиб чиққан ҳолда, ер ости резервуарларининг ғовакли ҳажмларидан максимал самарали фойдаланишни таъминлаб, ер остида газ сақлаш тизимларини янада оптималлаштиришга йўналтирилган янги технологик ечимларни ишлаб чиқиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади ва бу катта илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2822-сонли “2017-2021 йилларда углеводород хомашёси казиб олишни кўпайтириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3372-сонли “2017-2021 йилларда “Ўзбекнефтгаз” АЖ бўйича минерал ресурслар базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи²².

Ер ости табиий газ омборларини яратиш ва улардан оптимал фойдаланишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий илмий-таълим муассасалари, жумладан: American Petroleum Institute (АҚШ), Halliburton (АҚШ) Baker Hughes (АҚШ), Schlumberger (Буюк Британия), China University Of Petroleum (ХХР), И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университети (Россия), Бутунроссия Газ Илмий-Тадқиқот Институти (Россия), Бутунроссия нефт илмий-тадқиқот институти (Россия), «ВолгоУрал НИПИГаз» ташкилотида (Россия), шунингдек “ЎзЛИТИНефтгаз” АЖ ва И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Табиий газни сақлаш тизимларини яратиш бўйича методикалар ва илмий-технологик ечимларни ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: заифлашган газ конларида ер ости газ сақлаш омборларини яратиш бўйича гидрогазодинамик ҳисоб-китоблар методлари ишлаб чиқилган (American Petroleum Institute, АҚШ); ер ости газ омборларидан циклик фойдаланишнинг 3 ўлчамли геологик-гидродинамик моделларини қуриш бўйича дастурий-техник комплекслар ҳамда сувли қатламлар ва заифлашган газ конларида омборлар яратиш бўйича технологик ечимлар ишлаб чиқилган

²² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.api.org, www.gubkin.ru, www.vniigaz.gazprom.ru, www.seb.com, www.gazprom.ru, www.runeft.ru, www.vesti-gas.ru, www.spe.org, www.oil-industry.net, www.kpfu.ru асосида бажарилди.

(Schlumberger, Halliburton, АҚШ); мураккаб геологик шароитда вертикал ва горизонтал кудукларни жойлаштириш технологичси яратилган (Baker Hughes, АҚШ); сувли горизонтларда ер ости газ сақлаш омборларини яратиш бўйича гидрогазодинамик ҳисоб-китобларнинг методологик базаси яратилган (И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университети, Бутунроссия газ илмий-тадқиқот институти, Россия); Ўзбекистонда ер ости газ омборларини яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича илк лойиҳавий-технологик ечимлар ишлаб чиқилган (ТошДТУ, ЎзЛИТИнефтваз, Ўзбекистон).

Дунёда ер ости газ сақлаш омборлари тизимини ривожлантириш ҳамда ресурслар ва энергияни тежаш чораларини амалга оширган ҳолда ушбу объектлардан самарали фойдаланиш учун қатор устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: газ омборларини яратиш ва улардан фойдаланишнинг ҳаққонийроқ ва реал геологик шароитларга мослашадиган геологик-технологик моделларини ишлаб чиқиш; кудуклар ва ер устида жиҳозланган объектлардан оқилона фойдаланиш тизимларини яратиш; кудуклардан узоқ вақт давомида фойдаланганда, сув босиши ва кумлилик намоён бўлишининг олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш; ер ости газ омборларидан фойдаланишни лойиҳалаштириш ва мониторинг қилишнинг янги тамойилларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фан ва технологиялар ривожланишининг ҳозирги ҳолати янги объектларни куриш ва мавжудларини такомиллаштириш масалаларида юқори технологик ускуналар ва техник тизимларни қўллаган ҳолда, ер ости газ омборларидан фойдаланишни лойиҳалаштириш ва таҳлил қилиш тизимларини такомиллаштириш заруратини белгилаб қўйди.

Шу билан бирга, янги технологик жараёнлар ва тизимларни қўллаш имкониятини асослаш, ер ости газ сақлаш омборларини лойиҳалаштириш ва уларнинг ишлашини таҳлил қилишнинг қўшимча ўрганиш ва ишлаб чиқишни талаб қиладиган методологик асосларини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, ҳозирга қадар турли типдаги газ омборларининг буферли ҳажмларини яратиш учун зарур бўлган табиий газ ҳажмларининг миқдори билан боғлиқ масалалар охиригача ўрганилмаган.

Бундан олдин кўплаб тадқиқотчилар томонидан газ олиш цикларида кудуклардан самарали фойдаланиш учун фаол газ сақлаш ҳажмларининг камида 50% миқдорида буферли ҳажмларни яратиш зарурати асослаб берилган эди. Газ омборларида буферли газ сақлаш ҳажмини камайтириш бўйича методологик ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ер ости резервуарларида катта ҳажмда табиий газ консервациясини истисно қилган ҳолда, ушбу объектлардан фойдаланишнинг техникавий-иқтисодий самарадорлигини сезиларли даражада ошишини таъминлаши мумкин.

Шунингдек резервуарларда аномал паст катлам босими бўлганида ва фаол газ ҳажмлари сезиларли даражада ошганида газ омборларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар ҳам очиқлигича қолаётир.

Газ омборларини лойиҳалаштиришнинг горизонтал қудуқлар тизимидан фойдаланишга асосланган янги тамойилларини қўллашни қўзда тутувчи масалалар охиригача ўрганилмаган.

Истеъмолчилар томонидан газ узатиш тизимига етказиб бериладиган табиий газ сифатига қўйилаётган талабларнинг қатъийлашиши паст қатлам босимларида ер ости газ сақлаш омбордан олинадиган табиий газни тайёрлаш технологияларини янги технологик ечимларни қўллаган ҳолда такомиллаштириш заруратини белгилаб қўйди.

Шу муносабат билан мазкур диссертация ишида тугаб бораётган газконденсат – нефть конларида яратиладиган ер ости газ сақлаш омбори циклик эксплуатацияси тизимларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш бўйича илмий-технологик асослар ҳамда уларни такомиллаштириш тизимларини лойиҳалаштириш бўйича ечимлар тақдим этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 13/11-89/18-2011 «Газли конининг VII, VIII, IX, X, XI, XII горизонтлар бўйича қолдиқ геологик захираларини ва қазиб чиқариш имкониятларини баҳолаш» (2011-2012 йй.), 14/11-90/18-2011 «Қишки фойдаланиш даврларида Хўжобод ер ости газ сақлаш омборининг табиий газ олиш қувватларини ошириш» (2011-2013 йй.), 23/13-128/18-2013 «Газли ер ости газ сақлаш омборининг мавжуд узоқ вақт фойдаланилаётган қудуқларини такомиллаштириш технологияларини ишлаб чиқиш» (2013-2014 йй.), ИТХ-13-26 «Нефть захираларини максимал чиқариб олиш билан кечадиган газ тазйиқли усулда газ ости нефтли ҳошияларини қазиланишнинг самарали тизимларини яратиш» (2013-2014 йй.) мавзусидаги амалий, фундаментал ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ер ости газ омборларини такомиллаштириш шароитларида улардан фойдаланиш тизимларини лойиҳалаштириш ва оптималлаштиришнинг янги методологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

табиий газ олиш бўйича қувватларни оширишга йўналтирилган ер ости газ сақлаш омборининг эксплуатацион параметрларини мониторинг қилиш масалаларида тизимли ёндашувнинг методологик асосларини таҳлил қилиш;

ер ости газ сақлаш омборлардан фойдаланиш ва горизонтал қудуқлар тизимини яратиш орқали заифлашган газ конларини охиригача қазиланиш имкониятларини тадқиқ қилиш;

Газли ва Хўжобод ер ости газ сақлаш омборлари тизимларини такомиллаштириш лойиҳалаштиришнинг геологик-технологик асосларини ишлаб чиқиш;

Газли ер ости газ сақлаш омборидан фойдаланиш самарадорлигини горизонтал қудуқларни қўллаш орқали ошириш бўйича тизимли-оптимизацион вазифаларни белгилаш;

резервуарлардаги қатлам босимлари паст қийматларда бўлганида фойдаланиладиган ер ости газ сақлаш омборларини ер устида жиҳозлаш тизимларини оптималлаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;

нефтли ҳошияни охиригача қазиш билан биргаликда ер ости газ сақлаш омборлардан фойдаланиш тизимини лойиҳалаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектлари Ўзбекистон Республикасининг нефт ва газга бой Бухоро-Хива ҳудуди доирасида жойлашган Газли газ-конденсат ва нефт кони ҳамда Андижон вилоятида жойлашган Хўжобод ер ости газ сақлаш омбори ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети нефт-газ резервуарларини ер ости газ сақлаш омборларидан фойдаланиш билан биргаликда қазишнинг гидродинамик жараёнларини тадқиқ қилиш, газ сақланадиган объектларни такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқишни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда газ уюмларининг геологик тузилишига аниқлик киритиш ва захираларни газга бой қаватлар бўйича тақсимлаш учун геологик-технологик моделларни яратишнинг дастурий-аппарат комплексларини қўллаган ҳолда қудуқларнинг геофизикавий ва гидродинамик тадқиқотларига ишлов беришни ўз ичига олувчи комплекс тадқиқот методлари, кўп омилли таҳлил ва статистик материалларга ишлов бериш методлари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Газли ва Хўжобод конларидаги газ уюмларини қазиш жараёнларини улардан ер ости газ сақлаш омбори режимида фойдаланиш параметрлари билан боғлаб тизимли умумлаштириш асосида объектларнинг қиш даврида табиий газ олиш қувватларини ошириш учун потенциал табиий газ ресурслари аниқланган;

ер ости газ сақлаш омборининг газни ҳайдаш ва олиш қувватини ошириш бўйича тизимли-оптимизацион масалаларни ҳал этиш асосида ер ости газ сақлаш омборидан фойдаланишнинг технологик режимларини оптимал бошқариш методикалари ишлаб чиқилган;

ер ости резервуарларида аномал паст қатлам босимлари бўлганида, газ олиш жараёнида қудуқларнинг юқори унумдорлигини таъминловчи локал депрессион воронкаларни яратиш орқали горизонтал қудуқлар тизимларига эга ер ости газ сақлаш омборини лойиҳалаштиришга янгича ёндашувлар ишлаб чиқарилган;

газ сақлаш вазифаларини консервацияда бўлган горизонтлардан газ ва нефт қазиб чиқаришни тиклаш билан бирлаштирган ҳолда ер ости газ сақлаш омбор қувватини оширишнинг илмий-технологик ечими асосланган;

резервуарларда аномал паст қатлам босимлари бўлганида, истеъмолчиларга бериладиган табиий газнинг тегишли сифатини таъминлаш орқали ер ости газ сақлаш омборини ер устида жиҳозлаш тизимларини лойиҳалаштириш тамойили ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг ер ости газ омборларида синовдан ўтган ер ости газ сақлаш омборидан фойдаланишни тезкор таҳлил қилиш ва назорат қилишнинг ахборот-таҳлил тизими ишлаб чиқилган;

маҳсулотнинг сув босишини камайтириш орқали кудуклардан максимал самарали фойдаланишни таъминлайдиган ер ости газ сақлаш омборига газ ҳайдаш ва олишнинг технологик режимларини ўрнатиш тизими ишлаб чиқилган;

объектни лойиҳалаштиришда фойдаланиш мақсадларида Газли конида заифлашган газ горизонтларидан газ қазиб чиқаришни тиклаш билан биргаликда фаол газни сақлаш ҳажмларини йилига 2,5 дан 10,0 млрд.кубометргача ошириш бўйича технологик ечимлар ишлаб чиқилган;

объектни лойиҳалаштиришда фойдаланиш учун Хўжобод ер ости газ сақлаш омборининг фаол газни сақлаш ҳажмларини йилига 0,9 дан 1,8 млрд.кубометргача ошириш бўйича технологик ечимлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кудукларнинг гидрогазодинамик тадқиқотлари асосида Газли конида ва Хўжобод ер ости газ сақлаш омборида олиб борилган экспериментал тажриба-саноат ишларининг ҳажми билан тасдиқланади. Объектларда фойдаланувда бўлган кудукларнинг ҳисобий ва ҳақиқий технологик ишлаш режимлари қийматларини таҳлил қилиш натижаларнинг юқори даражада тўғри келишини кўрсатди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти газ сақлаш вазифаларини консервацияда бўлган горизонтлардан газ ва нефт қазиб чиқаришни тиклаш билан бирлаштирган ҳолда, аномал паст қатлам босимларида заифлашган газ-конденсат ва нефт конларида ер ости газ сақлаш омборларини яратиш ва улардан фойдаланишнинг технологик асосларини такомиллаштиришдан, горизонтал кудуклар жойлашган зонада газнинг резервуар ичкарасига оқиб кетиш самарасини сезиларли даражада камайтиришни таъминлайдиган депрессион воронкаларни яратишнинг методологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат. Горизонтал кудуклар тизимларига эга ер ости газ сақлаш омборларидан фойдаланиш ва уларни ишлатишнинг оқилона технологик режимларини ўрнатиш бўйича ишлаб чиқилган методология Ўзбекистонда ер ости газ омборларини такомиллаштириш лойиҳаларини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти газ аномал паст қатлам босимларида сақланганида, горизонтал кудуклар ва газни тайёрлашнинг технологик тизимлари билан жиҳозланадиган ер ости газ сақлаш омборлардан фойдаланишнинг такомиллаштирилган тизимларини лойиҳалаштириш орқали Газли конида ва Хўжобод ер ости газ сақлаш омборида табиий газ сақлаш ҳажмларини йилига 3,4 дан 11,8 млрд.кубометргача ошириш имкониятларидан иборат. Умуман олганда эса, буларнинг барчаси ер ости газ омборларидан фойдаланиш самарадорлигининг ўсишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ер ости газ сақлаш омборининг эксплуатацияси тизимларини лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

узоқ вақт консервацияда бўлган мавжуд қудуқларни капитал таъмирлаш технологияси Газли ер ости газ сақлаш омборида жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2018 йил 20 августдаги 02/14-2-26-5452-сон маълумотномаси). Натижада 503, 281 қудуқларни такрор фойдаланишга киритиш ва 2014-2017 йилларнинг қиш давларида ушбу қудуқлардан газ олиш ҳажмини 4,7% га ошириш имконини берган;

Газли ер ости газ сақлаш омбори остида ётган горизонтлардан газ қазиб чиқаришни тиклаш билан биргаликда табиий газ сақлаш ҳажмларини оширишнинг технологик схемаси «Ўзбекнефтгаз» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2018 йил 20 августдаги 02/14-2-26-5452-сон маълумотномаси). Натижада ушбу горизонтлардан йилига 890,0 млн. куб. м газ қазиб чиқариш ва тиклаш имконини берган;

фаол газ сақлаш ҳажмларини босқичма-босқич ошириш бўйича технологик схема Хўжобод ер ости газ сақлаш омборида жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2018 йил 20 августдаги 02/14-2-26-5452-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳалаштиришга қабул қилинган такомиллаштириш тизими ёрдамида газни сақлаш ҳажмини 78% ошириш имкони яратилган;

«Ер ости газ омборлари. Тезкор таҳлил ва фойдаланишни назорат қилиш» бошқарув ҳужжати (О'zRH 39.0-144:2015) «Ўзбекнефтгаз» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2018 йил 20 августдаги 02/14-2-26-5452-сон маълумотномаси). Натижада ер ости газ сақлаш омборини ишлатиш мониторинги самарасини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотларнинг асосий натижалари 3 та Халқаро ва Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлардаги 19 та илмий мақола, жумладан 14 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек 1 та Ўзбекистон Республикаси патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари

тафсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ер ости газ омборларидан фойдаланишни лойиҳалаштириш ва мониторинг қилиш тизимларининг ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида қиш даврида Газли кони ва Хўжобод ер ости газ сақлаш омборидаги объектлардан фойдаланиш ҳолатини тезкор таҳлил қилиш бўйича вазифаларни ҳал этиш ҳамда газ олиш ҳажмларини ошириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистонда газ сақлаш тизимларини ривожлантиришнинг методологик асоси ишлаб чиқилди.

Ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларни умумлаштириш ишлари, заифлашган нефт-газ конларида ва сувли қатламларда табиий газ сақлаш тизимларини яратиш бўйича дастлабки назарий асослар Америка нефт институти (API) мутахассислари М. Маскет, D. Katz и K.N. Coats, Rasin M. Tek, J. Dupuit, И.М. Губкин номидаги Москва нефт-кимё ва газ саноати институти мутахассислари И.А. Чарный, Б.Б. Лапук, Е.В. Левикин, А.И. Ширковский ва Г.И. Задора, В.Н. Шелкачёв, Бутуниттифок табиий газ илмий-тадқиқот институти (БТГИТИ) мутахассислари А.Л. Хейн, С.Н. Бузинов, А.А. Михайловский ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилганини кўрсатди. Ушбу тадқиқотлар сувли горизонтлар ва заифлашган газ конларида ер ости газ сақлаш омборларидан фойдаланиш тизимларини лойиҳалаштириш методларини ишлаб чиқишга йўналтирилган эди.

Ер ости газ сақлаш омборларини яратиш ва уларнинг эксплуатацион ишончилигини ривожлантириш бўйича ҳозирги тадқиқотчилик ишлари, МДХ ва Европа мамлакатларида ушбу объектларни лойиҳалаштириш тизимлари Газпром – БТГИТИ (Россия), С.Н.Бузинов илмий мактаби томонидан ривожлантирилмоқда.

Ўзбекистонда газни ер остида сақлаш тизимини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларининг ривожига Тошкент политехника институти – ҳозирги Тошкент давлат техника университетининг “Нефт ва газ конларини қазииш ва улардан фойдаланиш” кафедрасининг т.ф.д. профессор С.Н.Назаров бошчилигидаги мутахассислари Б.Ш.Акрамов, А.В.Мавлянов, Н.В.Сипачёв, А.Г.Посевич ва бошқалар катта ҳисса қўшган.

Ушбу мутахассислар томонидан Шимолий Сўх конида юқори босимли газ рецеркуляцияси бўйича илк лойиҳавий-технологик ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Қатламга газ ҳайдаш бўйича ўтказилган саноат экспериментал тадқиқотлар асосида, газ шапкаларини ҳосил қилиш орқали ер ости резервуарларидан қолдиқ нефт захираларини охиригача чиқариб олиш ва ушбу объектларни ер остида газ сақлаш режимига ўтказиш имкониятлари белгиланди. Мазкур тадқиқотлар Марказий Осиё минтақасидаги заифлашган

газ-нефт конларида ер ости газ омборларини лойиҳалаштиришнинг методологик асослари ишлаб чиқирилиши бошлаб берди.

Шунингдек Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ер ости газ омборларини лойиҳалаштириш тизимига “Ўртаосиёгазити” (“ЎзЛИТИнефтваз” АЖ) институтининг мутахассислари У.Д. Мамажонов, Г.Ф. Толкушин, А.Х. Умаров, Х.А. Вахабов, И.И. Климашкин, М.Г. Баркер ва бошқалар ҳам сезиларли ҳисса қўшган. Улар томонидан Газли, Шимолий Сўх, Хўжобод (Ўзбекистон), Майлису (Қирғизистон), Полторацкий ва Ақиртүбе (Қозоғистон) ер ости газ сақлаш омборларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш бўйича ишлар бажарилган.

Шу билан бирга, айти пайтга қадар ишлаб чиқаришларни тезкор бошқариш ва улардан фойдаланишнинг технологик режимларини прогноз қилиш билан шартланган газ қазиб чиқарувчи, сақловчи ва уни амалий текисликка транспортировка қилувчи объектларнинг ишлашини таҳлил қилиш бўйича ишлаб чиқилган методикалар ва процедураларни қўллаш, шунингдек газ сақлаш объектларини такомиллаштириш зарурати ва имкониятини илмий-технологик асослаш билан боғлиқ масалалар ҳамон очиқлигича қолмоқда.

Янги техника ва технологияларни жорий этиш зарурати муносабати билан табиий газни ер остида сақлашни ривожлантиришнинг ресурсларни тежовчи стратегиялари бўйича ишлар йўналиши ҳам ривожланмоқда.

Ушбу тадқиқот йўналишлари газни ҳайдаш ва олиш ҳажмларини турли мавсумларда мазкур энергия ташувчисига бўлган бозор конъюнктурасига қараб ўзгариши шароитларида газдан фойдаланиш характеристикаларини таҳлил қилиш ва уни сақлаш параметрларини прогноз қилиш учун ер ости резервуарларидан фойдаланишнинг геологик-гидродинамик моделларини яратиш ва мослаштиришни кўзда тутди.

Шу билан бир қаторда, қатлам резервуарларида газнинг мёрдан ташқари йўқолишларига йўл қўймаслик мақсадларида узоқ вақт фойдаланиладиган қудуқлар тизимининг эксплуатацион ишончилигини узайтиришни кўзда тутувчи йўналишлар ҳамда объектлардан фойдаланишнинг технологик режимларини оптималлаштириш билан боғлиқ тадқиқот ишлари ҳам ривожланмоқда.

Шунинг баробарида, айти пайтгача ер остида газ сақлаш тизимлари ишлашининг мослаштириладиган моделларини яратиш, ер ости газ сақлаш омборларидан аномал паст қатлам босимларида фойдаланиш ва сақланаётган газнинг ёндош горизонтларга эҳтимолий оқиб кетиши билан шартланган геологик хатарларни бошқариш бўйича муаммоли масалаларга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Бундай шароитларда газ олиш даврида қудуқларнинг унумдорлигини сезиларли даражада оширишни ва узоқ муддат давомида аварияларсиз фойдаланишни таъминлайдиган қудуқлар қурилиши билан боғлиқ янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур.

Табиий газни қазиб чиқариш, сақлаш ва транспортировка қилиш тизимларини комплекс бошқариш бўйича оптималлаштирилган ечимларни

ишлаб чиқишда тизимли таҳлил ва тизимли ёндашув тамойилларига мувофиқ диссертация мавзуси бўйича ишлаб чиқилган илмий-технологик ечимларни саноатга бериш имкониятини белгилайдиган тадқиқот ишларининг алгоритми ишлаб чиқилди.

Диссертация мавзуси бўйича тадқиқот вазифаларининг қўйилиши тадқиқот ишларининг қуйидаги турли босқичларида мақсадли функциялар ва вазифаларни ҳал этиш компонентларини белгиловчи тизимга структураланди:

1-босқич – мавжуд ер ости газ сақлаш омборлар қувватини ошириш заруратини тизимли баҳолаш. Ушбу вазифа Ўзбекистондаги мавжуд ер ости газ сақлаш омборларини Тошкент саноат узелида янги газ сақлаш объектларини қуришга муқобил сифатини такомиллаштириш заруратини тизимли баҳолашни кўзда тутди. Шунингдек ушбу вазифа ер ости резервуарларидан максимал самарали фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун газ сақлашнинг зарур ҳажмларини асослашга қаратилган.

2-босқич – газ сақлаш ҳажмларини ошириш бўйича жорий салоҳиятни баҳолаш ва оптимизациялаштирилган ечимларни ишлаб чиқиш. Ушбу масала Газли ва Хўжобод ер ости газ сақлаш омборлари борасида табиий газни сақлаш объектларининг бошланғич ва жорий геологик моделларига аниқлик киритиш бўйича тадқиқот ишларини ўтказиш билан боғлиқ. Мазкур ечимлар, лойиҳалаштиришнинг янги тамойиллари жорий этилганида, мавжуд объектларда газ сақлаш ҳажмларини ошириш имкониятлари бўйича технологик асосни ишлаб чиқишга йўналтирилган.

3-босқич – қудуқлардан фойдаланишни оптималлаштириш, ресурслар ва энергияни тежаш функционалларини амалга ошириш вазифаларини ҳал этиш омборлардаги фаол газ ҳажмларини сезиларли даражада ошириш учун буферли табиий газнинг мавжуд ҳажмларидан самарали фойдаланиш орқали газ омборларини такомиллаштириш бўйича янги ёндашувларни излашга қаратилган. Шунингдек ушбу вазифаларни ҳал қилиш қатлам резервуарларидаги энергиядан самаралироқ фойдаланишни таъминлашга, табиий газ оқиб кетишининг олдини олиш ва бундай ҳолатларни истисно этишга йўналтирилган.

4-босқич – фойдаланилмайдиган горизонтлардан газ қазиб чиқаришни тиклашга ва нефт қазиб чиқаришни ер ости газ сақлаш омборидан фойдаланиш билан биргаликда ягона комплексида оширишга қаратилган тизимли ечимларни ишлаб чиқиш. Ушбу вазифалар газни сақлаш, табиий газ ва нефтни қазиб чиқариш бўйича ягона технологик тизимда қолдиқ геологик захираларнинг бутун углеводород салоҳиятидан самаралироқ фойдаланган ҳолда Газли ва Хўжобод конларидаги барча технологик горизонтлардан биргаликда фойдаланиш бўйича тизимли технологик ечимларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

Газни ер остида сақлаш масалаларини газ-транспорт тизимининг линияли қисмидаги техник ресурслар ва газ истеъмолининг нотекислиги билан биргаликда тизимли кўриб чиқиш Газли ва Хўжобод ер ости газ сақлаш


омборларини Тошкент вилоятида янги ер ости газ сақлаш омбори қурилишига муқобил сифатида такомиллаштириш лойиҳаларини амалга оширишнинг сезиларли афзалликларини аниқлади. Хавф-хатар омиллари ва ноаниқлик жиҳатларини ўрганиш асосида, Ўзбекистон иқтисодиётининг саноат ва ижтимоий-иқтисодий секторларида табиий газга бўлган эҳтиёжларни тўлиқ қондириш учун қиш даврида Ўзбекистон ер ости газ сақлаш омборларининг газ олиш бўйича қувватини (суткасига 30,0 дан 75,0 млн.кубометргача) оширишнинг мақсадли параметри аниқланди.

Мураккаб тизимларни бошқариш назарияси ва тизимли таҳлил тамойиллари асосида табиий газни сақлаш жараёнида технологик вазиятларни тезкор баҳолаш ва прогнозлаш вазифаларида хабардорликни сезиларли даражада оширишнинг методологик асослари ишлаб чиқилди. Бу газ сақланадиган ер ости резервуарларида газга бой ҳажмларнинг жорий параметрларини баҳолашнинг самарали механизмини ҳамда табиий газни ҳайдаш ва олиш тизимларини бошқариш алгоритмларини яратиш имконини берди. Ер ости резервуарларидаги газга бой ҳажмлар динамикасини тезкор баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган алгоритмлар, ер ости газ омборларининг энергетик салоҳиятидан максимал самарали фойдаланган ҳолда, газ сақлаш ҳажмларини оширишга қаратилган технологик ечимларни ишлаб чиқиш асоси сифатида қудуқлардан фойдаланишнинг оптимал технологик режимларини ўрнатиш бўйича ахборот-таҳлил тизимини (“Газтаҳлилчи” АТТ) яратишга имкон берди.

Аномал паст қатлам босимларида (1,2 – 1,7 МПа) ер ости газ сақлаш омборларидан циклик фойдаланиш динамикасини тадқиқ қилиш натижалари горизонтал қудуқлар тизимини қўллаш орқали резервуарлардан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имкониятини кўрсатди. Узунлиги 350 дан 500 метргача бўлган горизонтал қудуқларни қазганда вертикал қудуқлар унумдорлигидан камида 2-3 барабар юқори унумдорликнинг сезиларли ўсиши юз бериши аниқланди(1-расм).

Шу билан бир қаторда, (бутун горизонтал қудуқ узунлиги бўйлаб) горизонтал қудуқларнинг қудуқолди соҳасида газга бойлик даражаси юқори бўлган юқори босимли локал зоналар ҳосил бўлиши самараси ҳам аниқланди.

Ушбу аниқланган самара аномал паст қатлам босимларида ҳайдаш-фойдаланиш қудуқлари жойлашган зоналарда локал газ сақлаш объектларини шакллантириш бандини исботлайди, бу эса буферли ҳажмни оширмасдан газ сақлаш ҳажмларини ошириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш учун асос беради.




1-Расм. Вертикал ва горизонтал қудуқлар бўйича ҳайдалган газ ҳажмини чиқариб олиш салоҳияти

Ер ости газ сақлаш омборидан фойдаланишни бошқариш вазифаларини тизимли умумлаштириш асосида, намоён бўлиши объектлардан фойдаланишга салбий таъсир кўрсатадиган геологик ва технологик характердаги ноаниқликлар гуруҳи бир тизимга солинди. Хавф-хатарлар гуруҳи уларнинг эҳтимолий намоён бўлиши даражасига қараб тартибга солинди, ер ости газ сақлаш омборларини такомиллаштириш лойиҳаларини амалга оширганда геологик хавф-хатарларни бошқариш тизими ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг “Газли ер ости газ сақлаш омбори тизимларини такомиллаштириш қуйи горизонтларни охиригача разведка қилиш билан биргаликда лойиҳалаштиришнинг технологик асослари” деб номланувчи иккинчи бобида ер ости газ сақлаш омбори тизимларини такомиллаштириш (Газли ер ости газ сақлаш омбори мисолида) қуйи Х – XIII горизонтлардан газ қазиб чиқаришни тиклаш билан тизимли боғлиқликда комплекс лойиҳалаштиришнинг геологик-технологик асослари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотлар асосида умуман Х – XIII горизонтлар бўйича камида 14,7 млрд.кубометр ҳажмда қолдиқ кўчма табиий газ захиралари мавжудлиги аниқланди (2-расм).

Ер ости газ сақлаш омбори режимида фойдаланиладиган IX горизонт бўйича 1988-2015 йиллар оралиғидаги даврда табиий газ ҳайдаш ва олиш цикллари тизимли тадқиқ қилиш бўйича статистика маълумотлари асосида 1963 йилдан 1987 йилгача бўлган даврдаги кон қазилари курсаткичлари бўйича мослаштириш билан табиий газни сақлашнинг технологик модели яратилди.



2-Расм. Газли конида газ захираларининг ҳолатини баҳолаш

IX горизонт резервуаридаги дренаж қилинадиган газ захираларини ҳар бир қудуқ бўйича баҳолаш натижалари, газ олиш циклларида қудуқларнинг унумдорлигини ошириш мақсадида, ҳайдаладиган газ энергиясидан самарали фойдаланиш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш имконини берди. Ушбу ечимлар газнинг қудуқлар жойлашган зонада ушлаб турилишини таъминловчи газ ҳайдашнинг радиал-сферик зонаси доирасида газ бўйича фазали ўтишни бошқаришга йўналтирилган.


IX горизонт қатлам резервуарининг герметиклигини ва ушбу объектда газ сақлаш ҳажмлари оширилганида эҳтимолий хавф-хатарларни баҳолаш мақсадларида газнинг горизонтлар бўйлаб эҳтимолий оқиши тадқиқ қилинди.

Тадқиқот ишлари қудуқлардаги эксплуатацион устунлар герметик эмаслиги туфайли газ ҳайдаш ва олиш жараёнида IX ва X горизонтлар орасида газ оқиб ўтишлари мавжудлигини кўрсатди. Газнинг IX горизонтдан X горизонтга оқиб ўтиши IX горизонтда газ сақлаш ҳажмларининг ошиши билан, газнинг X горизонтдан IX горизонтга оқиб ўтиши эса, IX горизонтда газ сақлаш ҳажмларининг камайиши билан белгиланиши аниқланди.

Эҳтимолий оқиб ўтиш қийматларининг миқдорий ҳисоб-китоблари ер ости газ сақлаш омборини такомиллаштириш тизимини лойиҳалаштириш учун таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказишга яроқсиз бўлган узоқ вақт фойдаланиладиган фонд ўрнига янги қудуқларни қазитиш тавсия этишга асос беради.

Амалга оширилган тадқиқотлар, қиш мавсумининг энг авж нуқтага етган совуқ кунларида қатлам резервуарининг қисилган зоналаридан газ чиқариб олиш ҳисобидан суткалик газ олишларни камида 10-15% га оширишни таъминловчи оптимал технологик режимларни ўрнатиш методикасини ишлаб чиқиш имконини берди.

Ишлаб чиқилган методика фойдаланиш-ҳайдаш қудуқлари фондидан тўлиқ фойдаланган ҳолда табиий газни ер ости резервуарига (бутун газ ҳайдаш цикли давомида) бир текис ҳайдаш режимини ташкиллаштиришни кўзда тутди. Мазкур методика қудуқлар ости доирасида юқори босимли локал зоналарни яратиш учун газни ҳайдаш орқали резервуарнинг тўлиқ газга бой ҳажминини максимал қамраб олиш имкониятини таъминлашга қаратилган, бу бизнинг тадқиқотларимизга кўра, умуман ер ости газ сақлаш омборидан табиий газ олишнинг нисбатан юқори даражасини таъминлайди (3-расм).



а – ҳайдалаётган газнинг қудуқдан қатлам ичкарасига оқиши (қатлам изотроп бўлиб, барча траекториялар бўйлаб ғоваклилик бир хил, оқиш жараёни гидродинамик босим билан назорат қилинади) б – газ ҳайдаш фронтини бошқарганда газнинг оқиши (қатлам изотроп бўлиб, барча траекториялар бўйлаб ғоваклилик бир хил, оқиш жараёни газ бўйича (ҳайдаганда) ва сув бўйича (газ олганда) фазали сингишнинг камайиши билан назорат қилинади)

1 – газ пуфаги; 2 – газга бойлик даражасининг ташки контури; 3 – газга бойлик даражасининг ички контури; 4 – ҳайдаш-фойдаланиш қудуғи; 5 – газли сув; 6 – сув.

3-Расм. Газ оқишининг гипотетик жараёни

Тадқиқот натижалари газ ҳайдашнинг технологик режимларини тартибга солиш ва барча қудуқларни ҳайдаш жараёнига жалб қилиш қудуқлар тубига яқин зоналарда газнинг юқори концентрациясини таъминлаш, Газли ер ости газ сақлаш омбори ҳолатида эса, ҳар бир алоҳида қудуқни алоҳида ажратилган газ сақлаш объекти сифатида тақдим этиш имконини беришини кўрсатди. Шунингдек қудуқлардан горизонтал шахталар сифатида фойдаланиш, қисқа муддатли даврларда нисбатан юқори қатлам босимларида, қудуқ остига яқин зонада газ пуфагининг бутунлигини таъминлайди.

Диссертациянинг “**Х – XIII горизонтлардан газ қазиб чиқаришни тиклаган ҳолда Газли ер ости газ омборларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тизимли-оптимизацион вазифалар**” деб номланувчи учинчи бобида IX горизонтда табиий газ сақлаш ҳажмларини ошириш ва Х – XIII горизонтларни охиригача қазиб учун эксплуатацион устунлари катта диаметрли (178 мм гача) горизонтал ва вертикал қудуқларни амалда қўллаш имкониятлари тадқиқ қилинган. Кўп вариантли тадқиқотлар асосида, Х – XIII горизонтларда қўшимча 25 та қудуқ бурғуланганида, йиллик табиий газ қазиб чиқариш ишлари, газ сақлаш ҳажмларини 10,0 млрд.кубометргача ошириш (IX горизонтда 117 тагача янги қудуқ бурғуланганида) билан биргаликда, йилига камида 890,0 млн.кубометр даражасида таъминланиши мумкинлиги аниқланди (4-расм).


Ер ости қисмини лойиҳалаштириш сифатини таъминлаш мақсадларида VII – XIII горизонтларнинг маҳсулдор ётқизикларини вертикал пилот ва

горизонтал қудуқларга эга баҳолаш-эксплуатацион қудуқларни бурғулаш ва уларни интерваллар билан синаш орқали охиригача разведка қилишнинг кўп босқичли тизимини ўз ичига олувчи Газли конини газга бойлик қаватлари бўйича охиригача разведка қилиш ишларининг технологик асоси ишлаб чиқилди.

Ер ости қисми

ЕГОда 117 тагача янги горизонтал қудуқ бурғулаш.

100 тагача мавжуд қудуқ диагностикаси ва уларни таъмирлаш.



Йиллар	IX горизонт (ЕГО)			
	йиллик олиш (ҳайдаш), млн куб. м	қудуқлар сон, та		
		мавжуд	янги	жами
2018-2019	2500	255		255
2019-2020	3273	255	4	259
2020-2021	4651	255	28	283
2021-2022	7500	255	75	330
2022-2023	8789	255	97	352
2023-2024	10000	255	117	372
2024-2025	10000	255	117	372
2025-2026	10000	255	117	372
2026-2027	10000	255	117	372
2027-2028	10000	255	117	372
2028-2029	10000	255	117	372
2029-2030	10000	255	117	372
2030-2031	10000	255	117	372
2031-2032	10000	255	117	372
2032-2033	10000	255	117	372

Параметры модернизации ПХГ на прирост объемов 6,0 млрд куб. м

Курсаткичлар	6,0 млрд кубометр фвал газни ҳайдаш (207 сутка)								6,0 млрд кубометр фвал газни олиш (146 сут)				
	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	ноябрь	декабрь	январь	февраль	март
Суткалар сон, та	18	31	30	31	31	30	31	5	15	31	31	28	31
Газ ҳажмлари, млн кубометр	180,6	797,4	1028,4	1062,6	1062,6	1028,4	797,4	42,6	475,8	1461,6	1461,6	1367,4	1062,6
Битта вертикал горизонтал қудуқ дебити, млн м ³ /сут.	224/591,6	215/568,8	204/538,2	191/505,8	178/471,6	165/436,8	155/409,2	154/408	209/553,2	191/504	173/457,2	157/416,4	146/386,4
вертикал/горизонтал қудуқ сон, та	75/17	199/45	280/64	298/68	320/73	345/78	276/63	92/21	252/57	411/93	453/103	515/117	390/89
Рқт, МПа	1,54	1,60	1,68	1,76	1,84	1,92	1,98	1,98	1,94	1,83	1,73	1,62	1,54

4-Расм. Ер ости газ омборининг ер ости қисмини такомиллаштириш концепцияси

40-50 йилдан ортиқ ишлатилган эски фондга кирувчи қудуқларнинг эксплуатацион ишончлилигини тиклаш бўйича имкониятларни излаш мақсадларида мавжуд қудуқларни тадқиқ қилинди ва устун орти маконининг герметиклигини тиклаш йўли билан уларни капитал таъмирлаш технологияси ишлаб чиқилди.

Технологик ечим қудуқларнинг тубига яқин зонага босим остида цемент асосидаги елимшак-қайишқоқ тизимларни ҳайдаш йўли билан қатламлараро тутатиш жойларини такрор герметизациялашни, қудуқларга диаметри 101 мм бўлган қўшимча эксплуатацион устунларни туширишни, устунлараро майдонни гель-цементли эритма билан герметизация қилишни ва қудуқларни насос-компрессор қувурларини туширмасдан фойдаланишга туширишни кўзда тутди.

